

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚИШОМИ

Газета 1986 йил 1 июлдан чика бошлаган.

© № 188 (6. 079)

1986 йил 16 август, шанба

Баҳоси 3 тийин

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЎЗИМИЗГА ТАЛАБЧАН БЎЛАЙЛИК

«Агропромремонт» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент тажриба-механика заводи гидропресслар цехининг коммунистлари роппароса соат бешда коржомаларини ечиб, қайта кийиниб, ўз ҳисобот-сайлов йиғинларига тўпландилар. Улар ана шу йиғилишга тайёргарлик давомида партия ташкилоти иштини чуқур таҳлил қилиш ниятида эдилар. Цех партия ташкилотининг секретари темирчи Т. Э. Мирзаевнинг доклади ҳам йиғилганларни ана шунга даъват этди.

Гидропресслар цехи узоқ йиллар мобайнида яхши цех ҳисобланарди. Бундан қарийб 20 йил муқаддам бу ерда конструкцияси содда ва пухта 40 тоннаги гидропрессларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Ана шундан бери ҳеч қандай ўзгаришсиз шу прессларни ишлаб чиқариш давом этапти. Мамлакатимизда қиллоқ ҳўжалиги техникаси, автомобиллар ремонтни қилнади-ган ва шу механизм ўрна-тилмаган устaxonани топиш амри маҳол бўлса керак. Қарийб 40 га яқин чет эл мамлакатлари, шу жумладан ривожланган мамлакатлар ҳам уларни харид қилмоқда.

Заводда ишнинг ўз-ўзиндан кетаётганига, гидропресс цехига ҳеч нарса керакмаслигига қўйиб қўйишди. Шундай бўлсин, сўнгги йилларда цех оқсай бошди. Бу бажаришнинг ишчи-гача баҳолаши талаб қилган. КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил), Пленуми, партия XXVII съезидан сўнг айниқса равшан бўлди. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми цех коммунистларини цех, завод хизматлари фаолиятини — кўп нарсаларга боғлиқ бўлганлиги учун — мурасис таъкидлий таҳлил этишга, ҳўжалик юртилишини яхшилашга ҳар бир коммунист шахсий ҳисса қўшишига илҳом-лангирди.


— Ҳисобот рақамларига кўра фикр юритадиган бўл-сак ишимиз чакни кетмайл-ти, деган ҳулоса чиқариш мумкин, — деди Т. Мирзаев. — Ярим йиллик мобайнида пландаги 2010 ўрнига 2190 пресс тайёрланди. Иш мароми 4200 пресс тайёр-ланиб, йиллик топириш ба-жарилишини таъминлайди. Аммо шундай деб ўйласак эскича фикр юритган, жа-даллаштириш вазифаларини унутган бўламиз. Шах-шубҳасиз, бригадалар йири-лаштирилганлиги натижада да планни бажаришдаги қо-лоқликка маълум даражада

барҳам берилди. Цехда ўн-та кичик бригада бор эди. Уларнинг ҳар бири яхши ҳақ тўланадиган деталь ва узелларини ясашни истар эди. Ҳозир бунга чек қўй-лди. Токарлик участкадаги ҳар бири беш кишилик ик-ки бригада бирлашиб, унга коммунист А. Назаренков бошчилик қила бошлади. Темирчилик участкадаги уч бригадани бир брига-дага қўйди. Ун беш ки-шилик бу коллективга С. Мидатов раҳбарлик қилмоқ-да. Мазкур бригадада ком-мунистлар бўлмаганлиги учун цех партия ташкило-тининг секретари Т. Мирзаев слесарлик касбини темирчи-лик касбига ўзгартириб, мустанкамлаш учун ана шу бригадани ўтди. Гидроци-линдри йиғувчилар ва пресс йиғувчилардан иборат ик-ки бригада бирлаштири-либ, 18 кишилик йиғувчи-слесарлар бригадаси ташки-л этилди. Уларга Н. Писча-сов раҳбарлик қилмоқда. Ме-ханизм-участкасида ташки-л этилган партия группаси-га Ўзбекистон Компартия-си XXII съезди делегати, Ҳам-за район Советининг депу-тати В. Королёва бошчилик қила бошлади. Сўнгги маҳ-сулотга кўра, меҳнатда ишти-роқи коэффциенти бўйича ҳақ тўланадиган, ягона на-ряд асосида ишлайдиган бригадалар ташкил этил-ган, ҳамма иш тенг манфаат-ли бўлиб қолди. Бу қолоқлик-ни енгишга ёрдам берди.

Аммо, янги бригадаларга ескича ишлашни давом эттири-пти. Уларни дастлабки уч бригадани қўйиб мулк-лашмоқда.

Аммо бу билан бугун-ги кунда қаноатланиб бўл-майди. — Леб таъминлади-дорларчи — Тес кунда биз барча бригадаларга ҳўжа-лий ҳисобини жорий этиш-миз, бунинг учун биргина биз эмас, иттифод, таъминот каби хизматлар ҳам яхши тайёргарлик кўришлари ке-рак. Завод директори Э. Хатипов эса бутун тайёргар-лигини ўз назорати остига олиши лозим. Ҳаммамиз ўз фаолиятининг тезда қайта қўйишимиз зарур. Чунки, олдимизда янги, юкори унумли прессларни ишлаб чиқариш вазифаси турибди. Докладчи ва сўзга чиққан коммунистлар — завод ве-ларга қарайди. Т. Мирзаев цех партия ташкилотининг секретари, силлиқовчи В. Королёва секретари ўринбо-сари этиб сайландилар. Гидропресслар цехи пар-тия ташкилотининг йиғили-шида Тошкент шаҳар пар-тия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатия сўз-га чиқди.

В. АРКАДЬЕВ.



Тошкент тўқимачилик комбинатининг Игорь Тумаев бошлиқ раппистлар бригадаси ҳар ку-ни босма усули билан қарийб 18 минг метр газламага гул туширади. Коммунист, группа партия ташкилотчиси И. Тумаев меҳнатдаги муваффақиятлари учун яқинда Е. ва М. Вино-

градвалар номидаги мўкофот лауреати ун-вонга сазовор бўлди.

СУРАТДА: И. Тумаев газламага янги гул туширишга тайёргарлик кўрмоқда.

Л. Губерзон фотоси.

Замондошимиз



Дурадгор

— Неъмат Раҳматуллаев бошлиқ дурадгорлар бригадаси энг илғор коллективларимиздан бири. Смена топириқларини мунтазам ошириб бажаради. Бригада бошлигининг ўзи фидокорона меҳнати учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи, В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан «Шахматли меҳнати учун» медали билан мўкофотланган. Коллективимизда 1969 йилдан бери меҳнат қилади, — дейди 3-ўйсозлик комбинати 3-пардозлаш ишлари бошқармасининг бошлиғи В. С. Филатов.

Ростини айтсам, мен қурилишда дурадгор нима иш қиларди, эшик ва дераза ромларини ўрнатади-да, деб ўйлар эдим. Жиддий янглишган эканман. Ўзингиз биласиз, ҳозирги кўрмалар қатор қўлайликларга эга, шинам қўралапти. Аксариятга паркет қопланган, шкафлари бор. Шифа қуриш, паркет ёки линолеум ётқишиш, турли тутқичларни ўрнатиш ишларини ҳам дурадгорлар бажаришар экан, бошқа қўшмача юмушларни айтиб ўтirmайман.

— Касбим дурадгор бўлгани учуним, бирор квартирага кириб қоладиган бўлсам, даставвал дурадгорлик ишлари қандай бажариладиганига эътибор берарман. Қинғир-қий-риқ ўрнатилган эшик ва деразаларни, улоқ-линолеум қоплама ёки ҳар қадамда «гирчил-лайдиган» паркет полларин кўрсам ношуд ҳамкасбларим учун ҳикоят чекаман, — дейди Н. Раҳматуллаев. — Шунинг учун ўзим ҳам бригадамизнинг бошқа аъзоларини ҳам барча ишларини фақат сифатли бажаришга даъват этарман.

Чиндан ҳам Н. Раҳматуллаев бошлиқ бри-гадининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Бригадирга ўз вазифасини бажариш билан бирга мураббийлик қилишга ҳам тўғри кела-ди. У ҳаммаша шогирдларига «янги уйга қўйиб қираётган ончалар: балли, қурувчилар, қўли-гиз дард кўрмасин, деб айтишса биз учун энг олий мўкофотдир», деб ўргатади.

СУРАТДА: дурадгор Н. Раҳматуллаев.

Т. Каримов фотоси.



Яхши дам—

меҳнатга ҳамдам

Ҳордиқ маскани гавжум

В. П. Чкалов номидаги авиа-ция ишлаб чиқариш бирлаш-маси маданият саройи шанба-яхшанба кунлари айниқса гавжумлашади.

Эртага бу ерда авиасозлар навабдони дам олиш кунини ҳам кўнгиладигидек ўтказиш-лари учун қатор маданий тадбирлар амалга оширилади. Дастлаб ҳаваскорлик группаси ижросида янги куй ва кў-шиқлар программаси дам олувчилар эътиборига ҳавола этилади. Сўнгра маданият саройининг «Эрудит» клуби ўз ишчибозларини чорлайди. Асосан яшн эшларга мўл-жалланган ушбу клубнинг 70 дан зиёд аъзоси бор. Улар ўтказётган қизиқарли савол-жавоб кечалари кўпчилигининг диққатини жалб қилмоқда.

Авиасозлар шунингдек, «Авиамоделичлар клубининг янги программаси билан ҳам танишадилар. Энг жамжи дам олувчилар учун эса мулт-фильмларнинг янги туркумла-ри намойиш этилади.

Бугун

соат 20.00 да Ленин комсо-моли номидаги маданият ва истироҳат богнда концерт бў-лади. Ташриф буюргилар ду-ховой оркестр ижросида музика, ҳушовоз хонандлар иж-росида Ватанин, дўстлигини, бирдмаллигини шарофловчи қўшиқлар тинглашлари мум-кин.

Ўзбекистон комсомолнинг 40 йиллиги номидаги маданият ва истироҳат богнда эса концерт соат 18.00 да бошла-нади. Шу ерда Телман номи-даги маданият ва истироҳат богининг кўнгиноқ театри спектакль кўрсатади. Орадан бир соат ўтгандан кейин Гли-эр номидаги маданият уйи-нинг «Лабиринт» вокал-чолгу ансамбли концерт беради. Кейин эса «Прометей» диско-текаснинг баҳси бўлади.

«Старт» стадионда катта спорт байрами ўтказилади.

«Восток» клубида соат 21.30 да «Ута муҳим топириқ» бадий фильми намойиш эти-лади.

Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат богнда

Эртага

Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат богнда

Эртага

соат 9.00 да бирлашма стадио-

Майдонда ишчи-футболчилар

Бугун

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор» заводи иш-лаб чиқариш бирлашмаси ста-дионда футбол бўйича бир-лашма биринчилиги мусобақа-лари давом эттирилади. Биринчилик баҳсларида 34 ко-ламда иштирок этмоқда. Коллективлар икки груп-пада беллашиш м о к д а. Биринчи группда 31. цехнинг командаси пешқадам-лик қилляпти. Иккинчи группда эса 26-механик-йиғува цехи-нинг футболчилари карвон.

Бошлиқлик қилишляпти.

Бу коллективлар ўртасида ўтган яхшанба кўни қизқар-ли баҳс бўлди. Улар бирлаш-ма кубогини ўтказилган мусобақаларнинг финал уч-рашувида беллашдилар. Асосий вақтда 2:2 ҳисоби кай-д этилди. Фолблани 11 метри белгидан тўп тепиш йўли би-лан аниқлашга тўғри келди. Омад 26-цех футболчиларига ёр бўлди. Уларга бирлашма кубогини топирилади.

Эртага

соат 9.00 да бирлашма стадио-

нида «Трактор» командаси-

нинг кичик ёшдаги футболчи-лари 2-боллар ва ўсимлар спорт мактабининг спортчила-ри билан майдонга чиқади-лар. Бу коллективлар шаҳар биринчилигида пешқадамлар сафида боришмоқда. Бир-лашманин «Трактор» команда-си эса физкультура коллек-тивлари командалари ўртаси-да ўтказилётган республика биринчилигида 34 очко билан яқка пешқадамлик қилмоқда.

ПЕКИН

Хитойнинг жанубий райо-ларда қулиш бўрон бўлди. Синьхуа агентлигининг хабар беришча, Гуанси-Чжуан ав-тоном районида бўрон ва шар-рос ёмғир кўп уйлар ва қос-муникация системаларини бу-зган, дамбага яқин экинзорини су-в остида қолдирган. Баъзи рай-онларда бир кунда тушган ёғин қозиси 100 миллиметрдан 300 миллиметргеча борган. Шу билан кейинги вақтлар-да Гуанси-Чжуан автоном райо-ни территориясидан иккинчи тайфун ўтди.

ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ГАВАНА

«Гавана-дель-Эсте» иссиқ-лик электр станцияси қурувчилари коллективни зиммасига йил охиригача ТЭЦнинг 100 мегаватт қу-ватли биринчи энергоблоки-ни монтаж қилиб бўлиш со-циалистик мажбуриятини олдлар.

«Гавана-дель-Эсте» — Озодлик ороли шимолий қир-ғида Куба пойтахтидан еад нарида қурилатган му-

ҳим иншоотдир. Халқ ҳўжа-лигининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари тез ўса-ётган шартларда яна бит-та ТЭЦни ишга тушириш янги ишлаб чиқариш қу-ватларини ўзлаштиришга туртки беради.

◆ ВАШИНГТОН

Американин таниқли сиё-сат арбоби Жесси Жексон АҚШ маъмуриятининг ЖАР ирқчи режимига нисбатан ў-

казаётган сиёсатини қаттиқ таъкид қилди. У Африка жа-нубидаги бир қанча мамлакат-ларга қилгандан сафарин ара-фадада ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, Оқ уйнинг Претория қарш жазо чораларин жорий этиш-дан баш тортиш регион проблемаларини ҳал этиш ишда тараққиётга эришишга тўқилиш қилаётганлигини айтди. Апартеид — АҚШ таш-қи сиёсатининг давоми ва

◆ ТОКИО

Япония ҳатто апартеид ре-жимига қарш халқаро икти-содий жазо чораларига қў-шилгани тақдирда ҳам ЖАР билан ўзининг савдо-сотимни тўхтатиб қўймоқчи эмас. Япония ташқи ишлар министр-лиги Африка бўлимининг раҳ-бари Наото Тамаки «Жапан таймс» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатда шунга иқдор бўлди. Бугун «Лазур

газетада эълон қилинган суҳбат текстидан маълум бў-лишча, БМТ резолюциясига мувофиқ, Япония ирқчи ре-жим билан маданий, илмий ва спорт соҳасидаги алоқалар-дан воз кечди. Алий вақтда ҳозир Претория Токионинг Африкадаги микозларни ора-сида биринчи ўринда турибди. Бутпур Япония ЖАРга қарш жўримча «жазо чоралари» жорий этган эди. Бироқ, мат-буотнинг ёзишча, бу чора-лар апартеид режими билан иқтисодий алоқаларни кен-гайтиришни асло қийинлаш-тирмайдиган жуда кўп мак-о-

КПСС XXVII съезди: сифат, самарадорлик ва жадаллаштириш



ХАЛҚ УЧУН КЎПЛАБ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

Тошкент ойналари

Шаҳримиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, цирк, Санъат саройи, «Юбилей» спорт саройи каби биноларни қимматли деб ҳисоблаш мумкин. Бу биноларнинг қурилиши бизнинг корхонамиз коллективини ҳам ҳисса қўшган.

Фабрикамиз коллектив республикамиздаги меҳнат қўшниқларига зарур бўлган ойналар ва кўзгуларни етказиб беради. Айни пайтда муҳим қурилиш объектлари учун махсус буюртмаларни ҳам бажаради.

Ойна муҳтот материаллар, унда маълум бир формада бўлган таъйирлаш аниқ эҳтиёткорликни талаб этади. Акс ҳолда қимматбаҳо материалнинг кўп қисми чиқиб кетиб қолган бўларди. Биз меҳнат ташкил этганимизда иннинг маъна шу томонга алоҳида эътибор берилган.

Коллективимиз ахил, ушқоқ, ўз касбини пухта эгаллаган кишилар тўпланган. Улар замонавий машина ва ускуналарни маҳорат билан бошқариб, юқори сифатли маҳсулот тайёрлашади. Бизда ойнани тозалашдан тортиб, унинг қирилларини силкилаш, кумуш, алюмин эритмаси билан қоплашча қўлдан келган ойналар бундан ҳам яхшироқ бўлади.

Фабрикада трюмо ва трельжлар учун тайёрланадиган кўзгуларга давлат Сифат белгиси берилган. Бошқа буюмлар ҳам юқори сифатда тайёрланади. Кейин махсус контейнерларга ёки ящикларга жоийлаб, меҳнат қўшниқларига юборилади.

корхоналарига юборилади. Буюртмачиларимиз орасида Тошкент ва Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари, Олмалиқ, Қўқон, Наманган ва Андижон мебель корхоналари бор. Уларнинг ҳаммаси биздан белгиланган маҳсулотни ўз вақтида олиб туришибди.

Коллективимиз ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида жадал суръатлар билан меҳнат қилипти. Илдининг биринчи ярми акунини бўйча биз республикадаги мебель корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада иккинчи ўринни олди ва пул мукофоти билан тақдирланди. Етти ойлик топшириқлар ҳам барча кўрсаткичлар бўйча олтинчи ўринни эгаллади. 1 миллион 958 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, план 103 процент адо этилди.

Ил бошида коллективимиз планга қўшимча 40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олганди. Ҳозирги кунда бу вазифа ҳам олтинчи ўринни эгаллади. Шу кунгача планга қўшимча тайёрлаган маҳсулотнинг 58 минг сўмликни ташкил этди.


Фабрикада ишлаб чиқариш чикиндиларидан кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга катта эътибор берилган. Ҳозир бизда тракторларнинг ёнига қўйладиган кўзгулар, стол кўзгулари, ваннахоналар учун ойналар тайёрланапти. Коллективимиз истеъмол буюмлари тайёрлаш бўйча етти ойлик топшириқни олтинчи ўринни эгаллади.

КПСС Марказий Комитети

нинг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига. Мурожаатномасида ишлаб чиқаришда инсон омилли ролини оширишда алоҳида аҳамият берилган. Шу сабабли биз кейинги пайтда бу масалага эътиборни кучайтирдик. Корхонада ишчиларнинг тез ва соз ишлаши, тушунлиқдаги тайафусда ахил дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Ишлаб чиқариш илгорларига санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйлари яратилган. Баҳоқарда путёвклар бериб турилади. Бу тадбирлар ўз навбатида ишчи ва инженер-техникларнинг касбга муҳаббатини оширишти. Уларни унумли ва сифатли меҳнат қилишга, техникани пухта эгаллашга илҳомлантирди.

Корхонада КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун мусобақада ойна кесувчи Ш. Мирзаев, оператор Р. Цой, бўёқчи, З. Аҳмедова, металлчилик бригадаси бошлиғи Н. Сергеева ҳамкасбларига намуна бўлишди. Бу илгорлар ҳозирги кунда ишлаб чиқариш графигидан анча ўзиб ишлаб, йиллик топшириқни Улуг Октябрнинг 69 йиллиғи байрамга қадар бажариш учун кураш олиб боришди. Бу йил фабрикамиз коллективини 3 миллион 250 минг сўмликдан олтинчи ўринни эгаллашга аҳд қилган. Бу ваъда сўзсиз бажарилади.

К. ШАТРАНОВА,
Тошкент мебель ойналари фабрикаси план бўлимининг бошлиғи.




Комсомол аъзоси Мукамбар Толиповада ўқувчилик пайтидаёқ рассомликка иштиёқ пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам у Ҳамза районидagi 109-ўрта мактабни битиргач Н. Зомий номи Тошкент Давлат педагогика институтининг бадий графика факультетига ўқишга кирди. Ҳозир эса у Тошкент чиний заводининг бадий лабораториясида расм кўчирувчи бўлиб ишлапти. У тўртинчи суратда: ёш расм Мукамбар Толипова. Пастдаги суратда чиний заводининг катта расмони, СССР расмолар союзининг аъзоси Анвар Нуъмонов ишлаган сервисни кўриб турибсиз.

ЭРТАК ҲУЗУРИДА МЕХМОНДА

Бирлашманинг бадий буюмлар ишлаб чиқариш цехи айлансангиз ўзининг ахил илгорлар оламига савҳат қилгандек ҳис этасиз. Ранг-баранг суверенлар. Уларнинг турли ҳам, хил ҳам кўп.

Яқинда бирлашма коллектив яна бир янги хил маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Бу болаларнинг саввими мултфильми Микки Маус қаҳрамонларидир. Мултфильм персонажлари акси туширилган бу суверенлар картина қаҳрамонларига айлан ушашлиги, ранг-баранглиги билан иккинчи беш йилликда ҳам оқсак марраларни кўзлаб меҳнат қилапти. Ишининг муваффақиятида ташкил этилиши кўл келмоқда. Цехлар, бригадаларро мусобақа кун сайин қизиб бормоқда. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси корхона ахили руҳлантиришга ёрдам берди. Бу тарихий ҳужжатда қандай қилингандек, бугун келатганимиз эртага буғунгидан ахшироқ ишлаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, корхонанинг бадий буюмлар ишлаб чиқариш цехи кичиккинтойларга манзур бўладиган сифатли суверенлар ишлаб чиқаришга эътибор бермоқда.



Қ. ИСОҚОВ.



ЖАР ажнабий ишчиларни чиқариб юбориш ниятида

▲ ХАРАРЕ. Жанубий Африка Респуб. ликасининг маъмурлари қўшни давлатлар Гражданиларидан бу ерда ишлаб турган 1,3 миллион кишини мамлакатдан чиқариб юборишни мўлжалламоқда. Маъмурлар уларнинг Жанубий Африкада бўлишларини «қонунига хилоф» деб ҳисобламоқдалар. Похитнесбургда ишчи кучи масалалари мишлий комиссиясининг бош директори Пит Ван Дер Мерве шуни айтди.

Лесото, Ботсвана, Мозамбик ва Африкадаги бошқа мамлакатларнинг аҳолиси жажубий африкаликлар қўлидан «ишни тортиб олаётганликлар» сабабли ҳукумат шу қарорга келди, деди. Ван Дер Мерве ЖАРда 700 мингдан олтинчи ишсиз болринини эътироф этди, аммо Жанубий Африка Респ. публикисидagi жиддий социал проблемалар учун айб. ни ажнабий ишчиларга тўн кашга уриниш кишини ишон. тирмайдди. Жанубий Африкадаги ва ғарбдаги корхоналар.

нинг эгалари шахталар ҳам да заводларга маҳаллий аҳолига нисбатан озорқ ҳақ бўлсада, ишлашга рози бўлган муҳожирларни ёллашни афзал билишлари ахши маълум.

Ишчиларни мамлакатдан чиқариб юборишга тайёр гарлик қўрилатганининг ҳақиқий моҳияти «Фронт ёқасидagi» давлатларга нисбатан иқтисодий «дўқ-дўп. сани кучайтиришдан иборат. дир, чунки бу давлатлар учун ишдан бўшатилган минглаб кишиларнинг тўс. сатдан қайтиб келиши жиддий проблемаларни вужудга келтирган бўлур эди, деб таъкидламоқда бу ерда.

Ван Дер Мерве 350 минг ажнабий ишчи ЖАРда қўлишига руҳсат берилади, деган гапни маълум қилди. Аммо бу кишилар аслида таровга ушлаб турилганлар сифатига қоладилар: унинг айтишича, бу кишиларнинг кейинги тақдирини «уларни юборган давлат ҳукуматлари» ҳатти-ҳаракатига тамомла бoғлиқ бўлади.

Бросселдаги фожиадан сўнг консерваторлар ҳукумати катта ваъдалар берганлигига қарамай, Буюк Британиянинг ўзида ҳам футбол ишқибозларининг зуравонликлари қарши кураш натижа бермади. Ушанда Англия «Ливерпуль» командасининг тарафдорлари чиқарган тўқнашув натижада 39 киши ҳалок бўлган. Британия фут-110 киши соқилларининг кучини назорати остида Лондонга юборилди. Шундан кейин паром яна денгизга чиқди ва манзилга омон-эсон етиб борди.

Аммо «Манчестер Юнайтед» Амстердамда шу ернинг халқроқ футбол мусобақасида қатнашиш учун Буюк Британия клублари тақдир этилмайди. Мусобақа ташкилотчилари Англия «Футбол ишқибозларининг ўтган ҳафтада қилган қилиқларига жавобан шу чорани кўрдилар.

Ўтган пайшанба кун «Манчестер Юнайтед» командаси тарафдорларидан маст бўлиб олган 150 киши Англиянинг Голландияга борётган денгиз паромиде муштлашиш чиқардилар. Натижада беш киши гоят оғир аҳволда касалхонага жўнатилиди. Кема капитани бебеш футбол ишқибозларини майхонага қамаб қўйиш тўғрисида буйруқ берди ва паромни қирғоққа қайтарди, бу ерда безориларни полиция кутиб турарди. 14 киши шу ҳафтаги қамолда олинди, яна беш уюшмасининг маълумотларига кўра, ҳанузгача Британия стадионларида тартиб ўрнатилган бўлиб қилинган ҳамма уринишлар «тамомла барбод бўлмоқда».

Жинояткорлик синдикати

Нью-Йоркда АҚШдаги йирик «Юнайтед бамбу» гангстерлар синдикатининг 11 бошлиғи устидан суд жараёни бошланди. ЮПИ агентлигининг таъкидлашича, у ўзида 40 мингдан зиёд кишини бирлаштириб, АҚШда яширинча сотилган ҳалолдорларнинг 30 процентини уларнинг қўлидади. Синдикат АҚШнинг Шарқий соҳилларида жойлашган штатларда ҳаракат қилган. Жиноятчиларга суиқасд халдорлар ва куллар сотиш, ноқонуний мўнай даромадлар олганлиги ҳусусидagi айблар қўйилмоқда. Мазкур синдикат «қаршилик қилган кишиларнинг ҳаммасини ҳалок эт» шпори остида иш юритган. Ҳозирги пайтда суд ҳайъати гувоҳлар ва уларнинг муҳим ишларидан ҳабардор бўлган полициячиларнинг ҳаёти учун ташвишланмоқдалар. Чунки, синдикатнинг ёвуз вакиллари қўлидан ҳар қандай иш келади-да.

Вақт қадри

Ешлар кўпинча бўш вақтнинг озлигини но. лишади. Япониянинг «Ситизен» соатсозлик фирмаси бир қатор тадқиқотлар ўтказиб, бунинг сабаби ёшларни бўш вақтдан унумли фойдаланмаслиги оқибатидир, деган қарорга келди. Жумладан, кеска кишилар теле. фон орқали ўртача 16 минут сузлашсалар, 26 ёш. гача бўлган ўсмирлар ва қизлар сўхбатлари 37 минутга қадар қўзғалса ҳам бутта эътибор бермас экан. Тажрибали киши ўз ўстиги 30 минутдан олтинчи кутмайди. Ешлар ўртача эса 45 минутга кечикши олатдиган ҳол деб қабул қилинмоқда. Маълум бўлишча, ёш улаётган сайин киши ўз вақтидан унумли фойдаланишни қўзлар экан.

Суд залидан

ва Э. Бабян 8 йилга озод. ликдан маҳрум этилиб, мол. мулки мусодара қилинди. Т. Вейсова ҳам 8 йилга, Р. Резе. пина 7 йилга озодликдан маҳ. рум этилдилар. Ушбу ишга аралашган бошқа қолган шахслар ҳам тегишли жазо олдилар. Шундай бўлиши мўқаррар эди. Ҳеч бир жиноят қўққи, у очилмай, айбдорлар жазолан. май қолмасин. Зеро, шоир Абай айтганидек:
Эри бўлиб, яхши кўлми
Бир ўргансанг нафсининг
Давлат кетар, ор билан
Аммо чивин жонининг
Т. НАБИЕВ,
Тошкент шаҳар суди раиси
Ўринбосари.
Т. ТОШЕВ,
«Тошкент оқшом» музб.ри.

Сўраган эдингиз...

ОТПУСКА ҲАҚИ ҚАНДАЙ ТўЛанади?

Мен яқинда отпусмага чикдим. Отпуса пулим ўтган йил. гидан кам чикди. Айтингчи, отпуса пули қандай тўланади?
Қ. ОЧИЛОВ,
ишчи.

Отпуса ҳақи умумий қонда бўйча сўнгги ўн икки кален. дарь ойига тўланган ўртача маошдан ҳисобланади. Фақат тўлиқ ишланган ойлар ҳисоб. га олинади. Бунда отпусага қайси йил учун — бу йил ёки ўтган йил учун берилишининг аҳамияти йўқ. Агар ўн икки ой учун берилган иш ҳақини ҳисоблаш мумкин бўлмаса (ҳисоб китоб учун зарур опе. ратив маълумотлар тайёр бўлмаса), унда аввалги ўн икки ойини олиш мумкин. Иш ҳақтаси қанчалигидан қетий назар (олти кунми ёки беш кунми) отпуса пайтда ҳафтанинг олти кунига ҳақ тўланади. Агар ишчи ёки хизматчи корхонада бир йил ишлаганга бўлса, ўртача иш ҳақи отпус. кага қадар тўла ишланган ой. лар бўйича ҳисобланади. Ишдан бўшб кетётганда фойдаланилмаган отпуса учун компенсация ҳам шу тараф. да белгиланади.

Р. КАРИМОВА,
Ўзбекистон ССР юстиция
министрлиғи бўлими бошли. ги,
Ўзбекистон ССРда хиз. мат курсатган юрист.

Кейинги йилларда уй-жой қурилишини кооператив йўл билан бунёд этиш анча ри. вожланади. Ҳозир республика. да 800 га яқин кооператив ту. зилган бўлиб, уларнинг аъзо. лари сонин 14 мингдан олтин. чи олинган ташкил этади. Шу жумладан, Ўзбекистон пой. тахтида ҳам кооператив йўл билан ҳар йили юзлаб квар. тиралар бунёд этилмоқда. Ҳўш, уларнинг тақсмоти қандай? Уй-жой тақсмотида

алоқаси бўлмаган бу «учар» йигит ўша манбадан ўзига «таъяч» топди. Пулини белига бойлаб ноқонуний йўл билан квартира олмақ дардида юр. данларни тумшугидан илти. тирди. 1981 йилнинг январда
гражданин В. Шегай 3.000 сўмин икки букилиб Маликов. нинг қўлига туққазди. Шегай. ни кўриб Ф. Ан ҳам югуриб келди.
— Ердам қилинг, жон ука, мана у минг...
Н. Маликовнинг жигилдони очилиб кетди. В. Ким ташла. ган 3.000 сўм ҳам унинг га. ладонида йўқ бўлиб кетди.
— Ҳужжатларини расмийлаш. тириш уларнингга ҳавола, — деди у уларнинг мултиратиб турган Ким, Ан ва Шегайга

долат торозусидан четга чи. қилмаптими? Минг афсуски, хали ҳам шолининг орасида. ги курмак каби бу ишни ў. ларининг мўмай даромад ман. баига айлантирган айрим шахслар учраб туради. Куй. бишев район уй-жой эксплута. тасияси ишлаб чиқариш трес. тига қарашли 31-уй-жой экс. плуатацияси участкаси бошли. ги Наби Маликов шундайлар. дан бўлиб чикди. Кооператив квартира тақсмотига мутлақо

дон еган ҳўроздай керилиб... Порачилар оёқлари куйган товукдай тўрт томонга югу. ришди. Шунда осмондан туш. дими, ердан чикдими ҳеч қа. ерда ишламай юрган Эльвира Бабаянга дуч келиб қолишди.
— Шу ҳам иш бўлди, — деди у қолларини чиқариб, — яқандан чўзсанглр бир зум. да «ест» қиламиз...
Улардан «хизмат» ҳақини кўртдай санаб олган Э. Баба. я Куйбишев район Совети ик. сария комитети ички ишлар бўлими паспорт бўлинимаси паспортисткаси Т. Вейсова би. лан жиний тил биртириб, ўлжани қиладилар. Кўп ўтмай ўз хизмат бурчини сумистеъмол қилган Т. Вейсо. ва юқорида номлари қайд

этилган шахсларни ва Г. Пак, К. Цой деган киималарни про. писка қилиб, уларга қалбаки ҳужжатларни расмийлашти. ришда ёрдамлашади. Ҳеч қа. ерда ишламайдиган Г. Резе. пина ҳам четда қолмади. Пoра. эвазига «дугонаси» Э. Бабая. га кўмаклашди. Бу ҳужжатлар эса уларнинг ҳеч қандай на. батсиз ноқонуний йўл билан квартира олишига асос бўлди.
Аммо «ҳалтовоклик» узоққа чўзилмади. Порахўрларнинг қўллари бойланди. Кинир иш. нинг қилиш чикди. Қалбоби. члик билан шуғулланганлар одил суд олдида ҳақо бeрд. дилар. Тошкент шаҳар суди ҳукмининг Ўзбекистон ССР Олий суди коллегияси ўз ку. чида қолдирди. Н. Маликов

ЖАМИЯТ ВА ҚОНУН

Порахўрлар қўлга тушди



- ◆ Бахтли ҳаёт таронаси
- ◆ Донолар суҳбати
- ◆ Ажойиботлар оламида
- ◆ Шеърят гулшани

Ҳикматнома

Инсоний фазилятлар

● Табиат инсонга буюк бахт — меҳнат шарофатини илгом этган, меҳнат унинг ҳаётига сайқал бериб, яшаши ғузаллигини яратди.

● Ҳалол одам қалбда зилол чашманинг ҳосияти бор.

● Софдиллик — энг ғузал фазилят бўлиб, инсон қадрини оширади ва бахтлар эшигини очади.

● Виждонсиз одамнинг юраги доим хаста бўлади.

● Илқов киши текин ейишни ўйлайди.

● Лоқайд одам сергайрат кишиларнинг ишини орқага суради.

● Ҳасад куйдиради, ҳавас куддиради.

● Ҳавас қилган муродиға ғайрат билан эришади.

● Ҳасадчининг нафаси сассиқ алафдан ёмон.

● Яхши фазилятдан қамол, хунук одатдан завол топилади.

● Муомаласи чиройлининг — ҳаёти чиройли.

● Осмоннинг устуни, мамманинг кунни йўқ.

● Эзгу ният — доим муваффақият.

● Яхшиликдан — шарофат, ёмонликдан — касофат келди.

● Тили эгри одамдан тўғри сўз кутма!

● Чиройли гулнинг хушбӯи кўп.

● Кўнгил — гул, совуқ гап уни сўлигади.

● Итвозаринг оғзидан сўз эмас, тош отилади.

● ҲИКОЯТ: Дондан сурадилар:

— Одамлар неча тоифа бўладилар?

Дон айтди:

— Одамлар асли тўрт тоифага бўлинадилар: очкўз,

С.Ҳил, олижаноб ва саҳий.

— Буларнинг таъриф-тафсили қандай?

Буларнинг биринчиси — очкўз, тоғанини ўзи ҳам емайди, бировга ҳам бермайди; иккинчиси — бахил, ўзи едиди, бировга бермайди, учинчиси — олижаноб одам, ҳам ўзи ейди, ҳам бировга едиради, тўртинчиси — саҳий, ўзи емаса ҳам бировга едиради.

● МАҚОЛ: ибратни яхшидан ўрган.

● Одамнинг олдида яхшилаб, кетидан ёмонлаш — қабсхатир.

● Сўзинг ширин бўлса, дилингни ҳам пок тут.

● Бировга ёмонлик кўзламоқчи бўлсанг, ўрнига ўзингнинг кўйиб кўр.

● Аҳиқ бўлса ҳам мақсадингни очик айт.

● Телба гандан сукут яхши.

● Сўзинг қадрини амалий иш оширади.

● Кўзинг қўганини, ақлинг етганини сўзла.

● Тилинг бурро бўлмаса ҳам, қўлинг бурро бўлсин.

● Айб қилиш ёмон нуқсон, уни бўйинга олиб кечирим сўраш мардинг иш.

● Ёлгон гапирган одамнинг оёғи қалтиради.

● Ростгўй одамнинг юзида доим нур бор.

● Ақлли одам ҳар қанча билимли бўлса ҳам, дономан демайди.

● Дилада борни тил айтди.

● Ишдан қочган — иш тополмас.

● Аҳмоқ билан тенг бўлган обрўсидан айрилар.

Тўлқин РАСУЛЕВ тайёрлаган.



«Гулли бу, раъному бу».

Р. Шарипов фототўюди.

Бувижон, ўқиб беринг

КИЧИК ФАРҲОД ОРЗУСИ

Велосипедни
Бураб кўп винити
Тузатар Фарҳод
Бўлиб жуда шод.
Дадаси Анвар
Бу ҳолини кўради.
Кичиқиб жуда
Ўғлидан суради:
— Ким бўлмоқчисан?

Фарҳодвой хурсанд.
Станок кўп-а.
— Ҳа, кўп албатта.
— Мен бўлсам катта
Бузилса ногоҳ,
Мен бўлиб огоҳ,
Ремонтни қилсам,
Ўргансам, билсам.

— Балли, эй, ўғлим,
Шод этдинг дилим.
Майли қайси касб
Этса-да насиб,
— Ишни доимо
Қил, пухта аъло!
Юнус ТОЛИПОВ,
ишч.

КИЧКИНТОЙЛАРГА СОВҒА

«Москва» меҳмонхонаси ёнида қад кўтарган Чорсу микрорайонига қадам ранжида қилган киши беҳтёр бу ердаги тарихий обидага назар ташлайди. Яқинда у таъмирлашдан чиқарилди. Микрорайонда қурилган кўп қаватли бинолар ўртасида жойлашган бу ёдгорлиқнинг тегирақ-атрофи бўш. Ана шу бўш майдонлардан унумли фойдаланиш мақсадида Октябрь район партия коми-

тетининг кўрсатмаси билан ҳайрли ишга қўл урилди. Ёдгорлик атрофида микрорайонда истиқомат қилувчи болалар учун спорт — ўйин майдончаси бунёд этиш планлаштирилди.

Бу ерда кичкинтойларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қўлайликлар яратилди. Ўйин ва дам олиш майдончасида ҳаммаси бўлиб 29 кичик архитектура формалари қурилади ва ташкил этилади.

Дам олиш майдони 0,25 гектарни ташкил этади. Майдончадан болаларнинг сеvimли эртан ва мултифильм қаҳрамонларининг ҳайкаллари ўрин олади.

Майдончанинг лойиҳаси «Ташкилатор» институти 3-устахонасида яратилди. Лойиҳанинг бош архитектори А. В. Лошкарёв, автори эса А. Г. Хуршидовдир.

СУРАТДА: болалар майдончасининг эскизи.



Хайдар Мухаммад — «Кўнглим менинг», «Йўлларингга мушукман» сингари шеърли тўпламлар, «Тошкентнинг нозани маликаси», «Кўнглим — мининг пилла», «Умрининг бир довоми» драмаларининг муаллифи. СССР Езувчилар союзининг аъзоси.

Янги кўшиқлар

Бу — қизиқ

СЎЗЛОВЧИ ФИЛ

Қарағанда ҳайвонот боғида Ботир лақабли фил худди одамлардек сўзлаш олар экан. Айтишларча, ўн уч ёшида қўлоғи эшитиб, дилида сақлаб олган ўн уч сўзни айта олган. Булар — ҳайвонот боғи хизматчиларидан кунда эшитиб юрган: «Филга сув беринглар», «Нари тур» «Вой-бу»... каби сўзлардир.

Қарағанда ҳайвонот боғи директори, биология фанлари кандидати Елена Зигмундовна Лерентернинг айтишича, Ботир ўрганган сўзларини вақти-вақти билан тез-тез такрорлаб туради. Баъзан бир неча кунлар тўхтамай сўзласа, кейин узок вақтгача сўзламай қўяди. Айниқса, қишда ёпиқ хонада турган вақтда ёлғизликданми ёки зериктишданми гапдон бўлиб қолади. У кўпроқ «Ботир, бир, икки, уч, жавоб бер!» сўзларини такрорлайди.

Ботир томошабинлар олдида уялиб, жим туради. Ҳайвонот боғининг тунги қоровули дастлаб филнинг тўсатдан сўзлаганини эшитиб, боққа ўғрилар туншибди, деб ўйлаган эди...

Қ. ТҶАБОВЕВ, педагог.

Хайдар Мухаммад

ТИНЧЛИК

Менинг қўлимда тинчлик қудрати.. Менинг қўлимда тинчлик сурати. Тинчлик кўрғони менинг кўксимда, Томирларимда тинчлик журъати. Дунё кўзларга бўлмасин қаро, Кўшлар учинсин, яшасини само, Келсин қардон — дилшод меҳмонлар, Сочларини ўйнаб қувонсин сабо.

АФСОНаВИЙ САМАРҚАНД

Ийлар бағридан овоз берар сирли садолар,
Тилга кирар таибурлар.
Ранглар жоиланар, ҳикмат айттар
Шаҳрим осмонда товланар нурлар.
Нақарот:
Самарқанд, Самарқанд
Афсона — эртан шаҳрим!
Самарқанд, сарбаланд Самарқанд,
Меҳридан сайқал берди асрим.

СЕВГИ БАҲОРИ

Гуллар туздинг сен келди дилга баҳор,
Севги баҳори бахт кўшин билан.
Гулларингга ташаккур, жонгинам, минг бор,
Кўзларимга бу олам бўлиш бир чаман.
Севги баҳори,
Энг ғузал баҳор,
Кўнглим гулзори,
Сўлмағай зиндор.
Севги баҳори дилларда яшагай мангу,
Севги баҳори дунёда сен билан мен у.
Севган дил билан

Регистонда юз кўришган Навоий, Жомий
Бизга бутун замондош.
Уллубек — тоғли юлдузларнинг завқу илҳом,
Илмлар осмонда равшан бир кўш.
Олис-олидан келган сайёҳ-меҳмонлар,
Нақарот:
Қайтар ширин халёда.
Қўзиди кетар иллий гўмбаз — осмонлар,
Шаҳрим мангуликка қолур қамолда.

Иёл бўлур равон.
Равон йўл билан
Умр чароғон.
Этсам дил баён,
Бўлсанг сирдошим.
Бўлсанг ёлма-ён
Дўстим йўлдошим.
Ишқ баҳориди икки дил куйласа,
Мухаббат тори ширин жаранглай,
Само бағрида юлдузлар майин сўзласа.
Ошиқ кўзлари қамалак ранглар
англай.

ДОНОЛАР ДИННИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

▲ Бизнинг атеистик давримиз таврот афсоналари устидан қуларкан, худони инсон калтабиллигининг таҳаллусидир, дея ҳисоблайди.

М. ГОРЬКИЙ.

▲ Билим бўлмаган жойда динга ишонадилар.

А. В. ЛУНАЧАРСКИЙ.

▲ Ўтмиш жаллодларига, хуруфот ва мутаассибликнинг довуқли асосчиларига, ўзларининг дунёқарашларини қабул этишни истамаган ўқарларни афсун қилиш учун биринчи бўлиб меҳробда пичоқ кўтарганларга қарши наҳотки овозни баланд кўтариб бўлмас экан?

Ф. ВОЛЬТЕР.

▲ Кимки дин ва унинг ғайри табиий ахлоқи устида жиддий бош қотирса, кимки унинг афзалликлари ва нуқсонларини тарозига солиб кўрса у дин ва диний ахлоқ инсониятга зарарли экани, ҳар қалай, инсон табиатига эдиллигига амин бўла олади.

Поль ГОЛЬБАХ.

▲ Инсоният ихтиёрига истисносиз барча нарсалар ва хусусиятларини берувчи овоз фан, шубҳасиз динга эид бўлади.

Иосиф ДИЦГЕН.

▲ Биз гапирётган онг ва ақлнинг буюк тили олдида дин тили ожизлик қилади.

Анри БАРЕЮС.

▲ Кимнинг билими бўлса, у динга муҳтож эмас.

Иоганн ГЕТЕ.

▲ Дин — руҳий насалликдир.

Жонатан СВИФТ.

▲ Дин турли-туман хуруфотлар билан одимлайди.

Виктор ГЮГО.

▲ Одам ирим-сирим қилади. Чунки у кўроқ. Нодонлиги учун ҳам у кўроқдир.

ГОЛЬБАХ.

▲ Ирим-сирим — бидъатларнинг энг пасткаши, ожиз ва хавфлисидир.

ПЛУТАРХ.

▲ Хомхал ёл ирим-сиримнинг негизи — омилликда.

ВОЛЬТЕР.

Илмий-атеистик мавзуларда

Кўпчилик кишилар динга ишонмасалар-да, ҳали ирим-сирим ва хуруфотдан қутқилинмаган. Улар «бахтли» ва «бахтсиз» рақамларга ишонишди, қора мушукдан, тузин тўкиб юборишдан қўрқибди, синган ойнадан ҳадиксирашди. Баъзи ёшлар ҳатто фолбиннинг сўзига, «кароматли» тушига ишонишди.

— Ҳўш, ирим нима! У бизнинг орамизга қаердан келиб қолгану, нега биз уни тарк этмаймиз! Оқшомонлар бу саволларга қуйдагилар мисоллардан жавоб топадилар.

ҚОРА МУШУК

Йўлни кесиб ўтган қора мушук бахтсизлик келтиришига ишонини жуда қадим замонларда келиб чиққан. Амжодларлик мушук тунда жуда яхши кўра олишини пайкашган. Бу тасодифми! Албатта, тасодиф эмас. Одамлар мушукда бирон-бир сирли куч бўлса керак, деб ўйлаб бошлаган. Улар афтидан ёвуз рухлар, шайтонлар, аластлар, афсун, гарлар қора мушук қиёфасида одамга дуч келса керак, деб ўйлашган.

Н. В. Гоголнинг «Май оқшоми» повестида юзбошининг қиз қоронғу кечада мушукнинг кўлини қандай кесганлиги ҳақида қисқача қилинади. Эрталаб эса, ўйга онаси кўлини боғлаб юганини кўрган. Угай она жодугар хотин бўлган. Улур рус ёзувчиси повестида яна пайтада ирим-сиримларга ишонувчи одамлар ўртасида кенг тарқалган ривоятлардан фойдаланган.



БЎЛМАҒУР ИРИМ-СИРИМЛАР

ҚАРГА НИМА ДЕБ ҚАҒИЛЛАЙДИ

Иримчи кишилар «Қарга қағилласа — ғам-ташвиш келтиради, қор ёғди» деб ишонадилар. Бу аломат қачон пайдо бўлган? Қарганинг патлари, унинг ўлимликларни еб яшагини кўрган одамлар бу қўшининг ҳосияти Ҳўш, унинг қағиллашдан эса «яхшилик кўтиб бўлмайди, деган хулосага келишган.

БАХТЛИ ТАҚА

Нега одамлар тоғиб олганга тақаб баж келтирадиди, деб ишонишди! Қадим замонда яшаган халқлар ибтидоий одамлар томонидан тўлдириб ташланган бутун дунёдаги ёвуз рухларини от қўрқита олади, деб ишонишган. Шунинг

аллақачон вужудга келган. Форс қўлтиги қирғонда жойлашган қадимий Вавилонияда «12» энг ажойиб рақам ҳисобланган. Кейинчалик рақамларнинг бир йилини ўн икки ойга бўлишган. Улар бир кеча-кудуни 24 соатга эки 12 жуфт соатга бўлишган, ҳар бир соат — 60 минутга эки 5 марта 12 минутга бўлишган. Булардан ташқари, «12» сони ҳисоблаш учун жуда қўлай бўлган. Чунки «12»ни қолдиқсиз 2 га, 3 га, 4 ва 6 га бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам «12» ўлчов бирлиги, деб қабул қилинган.

Ундан кейин келадиган «13» рақами «12» га мутлақо ўхшамайди. Уни ўзидан бошқа биронта сонга бўлиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам уни бахтсиз сон, деб ҳисоблашган.

А. ОБИДУЖАЕВ тайёрлаган.

Рассом табассуми

— Бу қандай мўжиза ўзи, тик этмай қотиб турган лампочка ўз-ўзидан жойидан кўзгалса-я.

Қачон хуруфот ботқоқидан чиқасиз эр, ахир юқори қаватда турадиган қўшимча яна ичиб келиб тўпалон қилмапти-ку, шунинг учун лампочкамиз жойидан кўзгалди-да!

— Қора кўчқорин сўйиб бир савобни иш қилмоқчиман. Шунга ўзингиз бош бўласиз, ҳўжани!

— Эсингни йиғ Матқобил, савоб келтиради деб ўйлаган ўша қора кўчқоринг тагин секин қора кўнга тортиб кетмасин...

Ш. Субхонин расмлари.



ТУРСОА ОЛАМ


МУҲАББАТ ҲАЗИЛИНИ ЕҚТИРМАЙДИ

Венесуэлада ўзаро хат ёзишб турувчи севишганлар учун почта хизмати харажатларига 50 процент миқдорда ҳақ олинади. Севиш мактубини бошқа хатлардан фарқлаш учун у қизғиш рангли конвертда жўнатилиши лозим. Бу натижа сунистеъмол этилмаслиги учун почтада махсус назорат хизмати йўлга қўйилган. Махсус хизмат ходимлари қизғиш рангли конвертларини тақлаб очиб кўриш ҳуқуқига эгадирлар. Башарти, бирор-бир мактубда дил розлари битилмаган бўлса, унинг жўнатувчисига йирик миқдорда жарима солинади. Зеро, муҳаббат ҳазилини ёқтирмайди, дейишадикуй!



РАҚОБАТЧИЛАР ДОҒДА ҚОЛДИ

Янри соатсозлик фирмаларининг реализация билан шуғулланувчи мутахассислари ўз маҳсулотларини, бозори қаққон бўлиши ва айни пайтда уларнинг баҳосини ошириш учун ниямаларини ўйлаб топишмайди, дейсиз. Шу мақсадда Швейцариянинг «Тисо» фирмаси Альп гранитидан ясалган гипюли меҳанизмларини жаҳон бозорига чиқарди. «Униклода» фирмаси совгабоп соатлар ишлаб чиқариш учун Нью-Йоркда бунёд этилган Озодлик ҳайкалининг чиқиндиларидан бир килограмми мисни сотиб олди. Бироқ, «Корина» корпорацияси оқдий совет меҳанизмининг қарийб 4,6 миллилард йиллик метеорит осколкасидан асб барча рақобатчиларини доғда қолдирди.



ҚАЙСИ ҚОНУНГА БИНОАН

Шотланд Ф. Стоун қаллоблинда айбонлиб, суд олқанда жавоб берди. Унга қарши сечетни тўлашда қалбаки банкнотдан фойдаланди, деган айб қўйилган эди. Судланувчининг қиңғир ишлари тўлатўкс фовш этилди. Адвокатдан воз кечган Ф. Стоун, ўзини ўзи ҳимоя этиш учун руҳсат беришларини илтимос қилди. Унга сўз берилгач, судьялар Ф. Стоуннинг мантқиқ қорловчи қаҳриқларидан лол қолишди. Бинобарин, у шундай деди: «Гап шундаки, мен бу пулларни сунъий тик илган табиғатга тўлаганман. Ахир, тишлар ҳам ҳақиқий эмас-ку! Иш мен ноҳақман!» Кўпгидан ўзларини тий олмаган судьялар унинг бу далилларини инкор этмаган бўлсалар-да, аимо барибир Стоунни айбдор деб топишди.

КЕЛИНЛАР АРЗОНЛАШДИ

Нефтан олқидиган чексиз фойда туфайли Саудия Арабистонда келинлар учун қалин миқдор астрономик рақамларга бориб етди. Бунинг оқибатида мамлакатда мураккаб вазият вужудга келди. Чунки, келинларга нисбатан миллионерлар озчиликни ташкил этарди, албатта.

Шу босдан қамбағал кўвлар ўзларига умр кўйдошини мамлакат ташқирисидан излаб бошлашди. Саудиялик қизларнинг турмушга чиқishi эса мушкуллашди. Бу муаммолар муҳокама этган қабилалар шайхлари келинлар учун қалин миқдор 50 минг риалдан ошмаслигини ҳақда қарор қабул қилишди. Бу қондага хилоф иш тутганларни Янри миқдордаги жарима қутмоқда. Шу билан бирга келинлардан қимматбаҳо тўй лйбосларини талаб этиш одати ҳам бекор қилинди.



АЖДАРҲО ДАРАХТИ

Қанар оролида ўсувчи драцена — сайёракидагиди энг қадимий дарахтдир. Бу гаройиб дарахт танасининг узунлиги 20 метрга қарийб 3 минг йил бўлган. Драцена грек ва лотин тилларида «аждарҳо» маъносини англатади. Бу бежиз эмас, албатта. Дарахтнинг илдизини кесганда қизғиш ранг сок пайдо бўлади. Бунинг маҳаллий аҳоли «аждарҳо қони» дейишадик...

Эртага — СССР Ҳаво флоти кун



Заказъёе ҳарбий округининг Иқтисод учувчилари ўқув машғулотида қатнашмоқда. Ҳар бир учувчининг маҳоратини оширишга, тажрибасини бойитишга хизмат қилади.

СУРАТДА: иккинчи-классли ҳарбий учувчи катта лейтенант А. Рассакхатский.

ТАСС фотохроникаси.

Асосий рекорд — саломатлик

Бардамлик манбаи

Шаҳримизда фаоллият кўрсатган саломатлик гуруҳлари сафи тобора кенгаймоқда. Бундай гуруҳлар айни пайтда истироҳат ва маданият боғларида, ишлаб чиқариш биноларида, корхона ва муассасаларда ҳам мунтазам иш олиб боради. Ленин комсомолни номиди истироҳат ва маданият боғида шундай саломатлик гуруҳларидан бири жойлашган. Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети Тошкент шаҳар спорт иншоотлари бошқармасининг ёзи спорт базаси бўлишида ташкил этилган бу гуруҳда машғулотлар қатнашчиларнинг имкониятлари ҳисобга олиниб, улар учун қулай пайтда ва ёшларига қараб ўтказилмоқда.

Саломатлик гуруҳлари аъзолари бу ерга ҳафтасига уч марта келишади ва ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланадилар. Машғулотларга кексалар билан бир қаторда 30 нафар бола ҳам қатнайдди. Мутахассислар улар билан алмашма ҳисоблар қиладилар. Болалар бу ерда спортнинг футбол, волейбол, теннис, бадминтон ва сузиш каби турлари бўйича маҳоратларини оширишмоқда. Гуруҳнинг энг ёш қатнашчиси 6 ёшли Надежда Мажитмуродовна.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда қатнаётганлар учун ҳам шароитлар яратилган. Машғулотлар уларнинг хоҳишларига биноан кечқурун ўтказилади. «Тошкент-Хлеб» бирлашмаси, «Средиземноморское» УЗНИИП, градостроительства ва «Узторгоборудование» ташкилотларининг ишчи-хизматчилари бу ерда саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

Саломатлик гуруҳларига икки йилдан буён қатнашман. Ёшим 60 да, ҳозир кексалик пенсиясидаман. Провизор бўлиб ишлаганман. Илгари тез-тез касалга чалиниб турардим. Саломатлик гуруҳларига келиб шуғулланишларини маслаҳат берардим, — дейди биз билан суҳбатда гуруҳ қатнашчиси Лидия Михайловна Сепетая.

— Мен февраль ойидан бери бу ерга қатнашман, — дейди гуруҳ қатнашчиларидан яна бири Надежда Ивановна Горонцова. — Ҳозир кексалик гапнинг сурмоқдан, 65 ёшга кирдим. Бу ерга келганимга қадар қон босими, қанд касали мени безовта қиларди. Ҳар

доим дори ичиб, врачга қатнаш ҳам кишини ҳоли-жонига тегар экан. Шунинг учун ҳам саломатлик гуруҳига борсамкидан деган ниятда юрдим. Охири, оғина бўлса ҳам фойдаси бўлади, деб ўйладим. Маана, кўриб турибсиз, бардамман. Демак, гуруҳга аъзо бўлиб тўғри иш қилган эканлар. «Кентавр» югурувчилар клубига ҳам аъзоиман. 4 километргача секин-аста чопайман.

Ёзи спорт базаси дирекцияси шу маданият ва истироҳат боғи атрофидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари саломатлик гуруҳларига суҳбат қатнашганликларини айтишди. Дарҳақиқат, боғ атрофида жойлашган «Север», 1-пойабзал фабрикалари, турли бошқарма ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари бу имкониятдан негиз фойдаланишмапти? Бинобарин шундай қулайликдан уқумли фойдаланишмаслиги эмас, албатта. Бунинг учун корхона ва ташкилотларда спортнинг оммавийлигини янада ошириш лозим. Зеро бу бардамлик манбаи бўлиши саломатлик гуруҳлари кишиларнинг доний ва севимли масканига айланишида муҳим омил бўлади.

Х. КАРИМОВ.

ХАНДАЛАР

Бир киши дўстига мақта-ниб деди:
— Ўйлабсанми, мен нимагаки эга бўлган бўлсам ҳаммасига қатъий иқтисод ва тежамкорлик билан эришдим.
— Бўлмаган гап! — деди дўсти. — Беш йил мобайнида даниллама уй, далабоғ қуриш, енгил машина, қимматбаҳо чет эл мебеллари сотиб олиш учун етадиган муайян пул туғлай олишингга сираям ишониб бўлмайди!

— Шунча бойлигини ёлғиз ўзим жамғардим дегангами йўқ. Сен бунда меннинг марҳум ота-оналаримни, яна уларнинг ота-оналарини ҳам назарда тутганида, ахир!..

— Сен отпускангини қишлоқда қандай ўтказдинг? — деб сўради бир йилгит дўстидан.
— Жуда яхши — дея жа-

воб берди дўсти.
— Қишлоқ ҳавоси тоза, сўлим бўлса керак, а?
— Э, нимасини айтасан! Ўша сўлим ҳаво билан «Жигули»нинг гилдирагини дам бериб шиширдим...

Официант бўлиб ишга кирмоқчи бўлган кишини ресторани директори илтифот қилиб сўради:
— Ўтгани бешга қўлай-тирса қанча бўлади?

Ишга кирмоқчи бўлган киши жавоб бериб деди:
— Бунда уфалатларнинг қанча одамлар эканини, вақтингиз эртага 6 кечлиги, яна энг муҳими — ҳисоб-китоб қилишдан олдин ўша хўрандаларнинг қанча қишлоқлар ичига эътиборга олиниши керак.

— Айни муддао. Сиз ҳозирдаёқ ишга қабул қилингиз?

Ажойиботлар оламида

Каромати тескари келди

1874 йили америкалик машҳур ихтирочи Томас Эдисон бир кунги Райт деган епископ билан суҳбатлашиб қолди. Епископ Эдисоннинг хизматларига юксак баҳо бергач, суҳбат охирида бундай деди:

— Шунинг айтишим керакки, ҳар қандай улут олим ҳам оллоҳ таолонинг қудратини билган бўлган кишиларни қилишга қўйиб қўймади. Чунки, ҳудудий фаришта ва қушларга қанот ато қилиб қўйибди, улар бемалол учиб юрадilar, одам эса ҳеч маҳал ҳавога қутарила олмагани!

— Шундай деган, жимайиб жавоб берди Эдисон. — Қараб туринг, ўтган йилдан кейин нима бўларкин...
Епископ Райтнинг Орвил ва Вильбур деган иккита ўғли бор эди. Улар оталаридан яшириб учувчи аппарат ясадилар ва унда 1903 йили ҳавога қутарилишди. Бу — моторли самолётнинг дунёда биринчи парвози эди.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг В. П. ЧАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ ВАЗАСИДАГИ

17-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986—1987 ўқув йили учун

ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

Ўқувчилар қабул қилади

программа билан бошқариладиган станокларда ишловчи токар, учини аппаратларини йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, дипломли газ-электр пайвандчи, ОТК контролери, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича электромонтер, электр кўприкчи кран машинисти.

15 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.

Металл бўйича токар-универсал, механика-йиғув ишлари слесари, электр кўприкчи кран машинисти, электр пайвандчи, ОТК контролери (бу касбга кўпроқ қизлар қабул қилинади).

17 ЁШЛИ ЁРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

МАШИНАДА ҚОЛИПЛОВЧИ. Ўқиниш муддати — 10 ой. Ҳар ойда 100 сўмдан стипендия тўланади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВАЗАСИДАГИ

42-ШАҲАР ЁРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986-1987 ўқув йили учун

қунидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

саноат ускуналарини тузатувчи слесарь, металл бўйича токар, (токар-револьверчи, токар-карuselчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), механика-йиғув ишлари слесари (станокда бақариладиган слесарлик ишлари бўйича контролер), электромонтажчи, электр-газ пайвандчи, қувош ишлаб чиқариши қўлиничи, автослесарь, электрон-ҳисоблаш машиналарини тузатиш бўйича механик.

8-10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиниш муддати 3 йил, ўрта маълумотлилар учун бир йил. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар учун 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА 15-25 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиганларга тўлиқ ўрта маълумот олинганлиги ҳақида аттестат ва 2 та эгаллаган аралаш касби бўйича диплом берилади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат

комитетининг

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

32-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10-синф ҳажмида маълумоти бўлган йилгит ва қизларни

қунидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

ҚАНДОЛАТЧИ, НОВВОЙ, СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ РЕМОНТИ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КўРСАТИШ БЎЙИЧА МЕХАНИК, НОН ЁПИШ САНОАТИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАРИНИНГ СОЗЛОВЧИЛАРИ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИНГ РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЛАРИ (нон заводлари учун).

ЎҚИШ МУДДАТИ 10-синф маълумоти билан бир йил, 8-синф маълумоти билан икки йил.


Билим юртига 8-синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-бош, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланади. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 проценти миқдорда пул мукофоти олади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени бошмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


[«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»] — орган Ташкентского

Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55, 37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 32-28-95, 32-55-32; хатлар — 32-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.